

4-ШЎЪБА. Шариат ва ҳуқуқ: муаммо ва ечимлар **халқимиз замонавий турмуш тарзи контекстида**

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/031>

ҲУҚУҚШУНОСЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МОВАРОУННАҲРЛИК УЛАМОЛАРНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Махмудов Қодирхон Алимович,

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Мовароуннаҳр азалдан илму маърифат тараққий топган маскан бўлиб келган. Бу юрт бутун дунёга татигулик олимлар, мутафаккирлар, мужтаҳидларни тарбиялаб, ер юзига илм зиёсини таратган диёр. Унда фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт каби табиий фанлар билан бир қаторда фикҳ, тафсир, калом, ҳадис сингари диний-ижтимоий фанлар ҳам ривож топган.

Ислом шариати ва ҳуқуқининг ривожидида Мовароуннаҳр фақиҳларининг ўрни беқиёсдир. X-XII асрлар давомида яқин шарқ мамлакатларида шиалик тазйиқи остида сўниб борган ханафий марказлари Салжуқийлар, Усманийлар ҳукмронлиги даврида айнан Мовароуннаҳр ханафийлари қайтадан тикладилар. Улар барча янги марказлар учун утоз бўлиб қолдилар.

X-XIII асрларга келиб, фикҳ ривожини юксак поғонага кўтарилди. Қорахонийлар (999-1212) даври фақиҳлари умумислом даражасида

шоҳ асарлар яратиб, ҳанафий мазҳаби классикалари мавқеига эришдилар. Ҳақиқатан ҳам Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳабининг "қалъаси" эди, десак адашмаймиз. Садрлар, Риғда-Муний, Заранжарий, Маҳбубий, Саффор, Паздавий, Самарқанд саййидлари, Хайзоҳазий, Ақилий, Марғиноний оилалари илмий ва ижтимоий ҳаётда кучли мавқега эга бўлдилар.

Ҳанафий мазҳаби IX асрда Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг иқтидорли ва машҳур шогирди бўлган Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг истеъдодли шогирдлари Абу Сарайман Жузжоний ва Абу Хафс Кабир Бухорийларнинг шогирди Абу Бакр Жузжоний хизматлари орқали Мовароуннаҳрга кириб келди.

Мовароуннаҳр нафақат фикҳ илми, балки ислом ҳуқуқининг иккинчи манбаи ҳисобланган ҳадис маркази ҳам эди. Буюк алломаларимиздан Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Доримий каби олимлар ислом оламида машҳур бўлган ҳадис тўпламларини яратдилар.

Ҳуқуқшунослик ва шариат усули бўйича ҳанафий мазҳаби Мовароуннаҳрда ўзининг асосий ва йирик ҳомийларига эга бўлди. Қорахонийлар даври фикҳ илми ва ҳанафий мазҳабининг олтин даври эди.

Манбаларда берилган маълумотларга кўра, бу даврда 300дан ортиқ фақих истиқомат қилиб, 150дан кўпроқ фикҳий асарлар, жумладан 20 та фатво китобларини битган, уларнинг мутлақ кўплиги Ҳанафий мазҳаби асосида ёзилган эди.

Аждодларимиз қолдирган бой илмий мерос ҳануз ўз қадрини сақлаб келмоқда.

Юртимизда Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит таълимоти асосидаги ханафийлик кенг тарқалгани боис, бу мазҳабга оид илм соҳаларида юзлаб алломалар фаолият олиб борган.

Мовароуннаҳрга ханафий фикҳини олиб кирган олим Аҳмад ибн Абу Ҳафс Кабир Бухорий Бухорода 150/767 йил таваллуд топган [1: 37]. У фикҳ илмини Муҳаммад ибн Ҳасандан ўрганган. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий Абу Ҳафс Кабир замонида аввал Нишопурга, сўнгра Бухорога келган.

Абу Ҳафс Кабир (катта) дейилишининг сабаби унинг ўғли Абу Ҳафс Сағир (кичик) деб номланган. Шу боис ўғлига нисбатан унинг отаси Абу Ҳафс Кабир деб аталган. Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Заҳабий “Сияр аъломин нубало” номли асарида Абу Ҳафс Сағир 14-табақага мансуб муҳаддислардан деган маълумотни келтиради [2: 158].

Абу Ҳафс Кабир қўлида кўпгина фақиҳлар ва олимлар етишиб чиққан. Ҳатто тарихчиларнинг таъкидлашларича, Бухорода илмнинг, хусусан, шариат ва ҳуқуқшуносликнинг тарқалишига, имом ва уламоларнинг ҳурмат топишига айнан шу олим сабабчи бўлган. Самъонийнинг айтишича, Абу Ҳафс кўпгина фақиҳларни тарбиялаб камолга етказган. Улар “Харожир” деган жойга мансуб бўлганлар [1: 13].

Абу Ҳафс Кабирнинг шуҳрати бутун Бухорога, қолаверса, бутун ислом оламига тарқалади. Наршахийнинг айтишича, ҳожилар карвони

келаётганида, карвондан бир киши Абу Ҳафсининг ёнига келиб, ундан масала сўраган экан. Абу Ҳафс ҳайратланиб: “Ўзингку Ироқдан келяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?” деб сўраса, у киши эса: “Бу масалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдим, лекин улар жавоб бера олмадилар ва менга Бухорога бориб, бу масалани Абу Ҳафсдан ёки унинг фарзандидан сўрагин, улар сенга бу масаланинг жавобини айтишади дейишди”, деб жавоб беради [3: 53-54].

Олимлар унинг илму фазлини баҳолаб, уни “муаллими ислом”, яъни ислом динининг муаллими, унинг шарофати билан Бухорони “Қуббатул ислом”, яъни ислом дини гумбази ва у яшайдиган маҳалла дарвозасини “Ҳақроҳ”, яъни ҳақ йўл деб аташган экан. Аллома 216/832 йилда вафот этган [3: 55].

Бухоролик фақиҳ олимлардан яна бири Абдуллоҳ Субазмуний Бухоронинг Субазмун қишлоғида таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми устоз имом ҳофиз фақиҳ Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Субазмуний Ҳорисий Калобозийдир. У 258/872 йили таваллуд топган [4: 232].

Фақиҳнинг “Муснад” ва “Кашфул осор фи маноқиб Аби Ҳанифа” каби асарлари мавжуд [5: 30]. “Кашфул осор” асрида кўплаб шаръий фатволар келганки, бу орқали VIII-X асрлардаги ҳуқуқшуносликка оид маълумотларни олиш мумкин.

Аллома 340/952 йили вафот этган. Унинг туғилган ва вафот этган йиллари хусусида ихтилофлар йўқ. Унинг қabri ўзи туғилиб ўсган қишлоқ Субазмундадир [6: 291] (ҳозирда Бухоро шаҳри четида).

Ҳанафийликнинг ёрқин намоёндаларидан яна бири Абу Лайс Самарқандийдир. У 298/911 йил Самарқандда туғилиб, 375/985 йил шу ерда вафот этган. У фикҳ, тафсир илмлари ва ваъз-насиҳат жанрига оид катта илмий мерос қолдирган. Алломанинг ҳаёти асосан Самарқандда ўтган. Тарихий манбаларда Абу Лайс “фақиҳ”, “зоҳид”, “муфассир”, “ҳикматли сўзлар соҳиби” каби сифатлар билан таърифланади [7: 515]. Дарҳақиқат, Самарқандий фикҳ соҳасида ҳанафий мазҳаби уламолари сўзларини жамлаган, Мовароуннаҳрда фикҳ илми, ҳанафий мазҳаби ривожига катта ҳисса қўшган. Шу боис “ал-фақиҳ” номига сазовор бўлган. Аллома “Танбиҳул ғофилин”, “Бустонул орифин” асарларини мавъиза ва панд-насиҳат шаклида ёзган. У мансабдан йироқ бўлиб, ҳаётини асосан илмга бағишлагани учун унга “зоҳид”, “ҳикматли сўзлар соҳиби” номлари берилган. Абу Лайс шунингдек, “баҳс-мунозараларда тенги йўқ олим” сифатида эътироф этилади. Бу ном унинг ҳанафий мазҳабини ҳимоя қилишга қаратган ҳаракати учун берилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, IX-X асрларда Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби ривожланиш ва куч йиғиш босқичини бошдан кечирган. Илм марказларидан бўлган Бухоро ва Самарқандда ҳанафий фикҳи анъаналари маълум даражада ўрнатилганлигини кузатиш мумкин.

Ўша даврда яшаб ижод этган олимларнинг бой илмий меросини тадқиқ этиш, шариат ва ҳуқуқнинг бағрикенглик тамойилларига асосланганини англаб етишга ва бугунги кундаги баъзи

муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Шу боис ҳам бу каби алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий мероси билан танишиб бориш тадқиқотчилар учун ўз долзарблигини йўқотмайди.

Фойдаланилган манбалар:

1. Абдулкарим Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб) // Абдулғаффор Раззоқ таржимаси. – Бухоро. 1999.
2. Шамсиддин Заҳабий. Сияр аълومин нубало. Ж.10. – Байрут. Муассасатур рисола, 1985.
3. Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Шарқ баёзи, 1993.
4. Муратов Д. Фақиҳ Абдуллоҳ ас-Субазмуний ҳанафий муҳаддисими? // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Т.: 2004, – № 3.
5. Муратов Д. Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг “Кашф ал-осор” асари ҳадис илмига оид манба. Тарих фан. номз.... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2008.
6. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоидул баҳия. – Байрут, 1998.
7. Абдулкарим Самъоний. Ал-Ансоб. Ж.1. – Байрут. Дорул фикр, 1998.